O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Миллий тикланиш — миллат келажаги

MILLIY TIKLANISH

2006-yil, 13-dekabr, chorshanba, 50 (380)-son.

Gazeta 1995-yil, 10-iyundan chiqa boshlagan

Haftalik gazeta

O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, iqtisodiy gazetasi

ДЕПУТАТЛИККА НОМЗОДЛАР КЎРСАТИЛДИ

Яқинда пойтахтимиздаги Миллий матбуот марказида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди. Унда партия Марказий кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар кенгашлари раислари, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

Йиғилишни Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси Хуршид Дўстмуҳамедов очиб, кун тартиби билан таништирди. Пленумда Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг 25-Ибн Сино, 75-Зангиота, 86-Қўқон сайлов округларида бўшаб қолган депутатлик ўринларига номзодлар кўрсатиш тўғрисидаги масала муҳокама этилиб, сайловда фаол иштирок этиш, партиядан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди тарғибот-ташвиқот масалаларида партия аъзоларининг фаоллигини таъминлаш юзасидан фикр алмашилди.

Йиғилишда партия Марказий кенгаши фаолияти билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Кун тартибидаги масалалар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

БИЗНИНГ НОМЗОДЛАР

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги бўшаб қолган депутатлик ўринларига жорий йилнинг 24 декабрида сайлов бўлиб ўтади. Мамлакатимиздаги бошқа сиёсий партиялар қаторида Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси ҳам ўзининг ишончли номзодларини кўрсатди. 25-Ибн Сино округидан «Миллий тикланиш» демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раиси Акрам Абдусаматович Қиличев, 75-Зангиота округидан «Миллий тикланиш» демократик партияси Марказий кенгаши раиси ўринбосари Хайринисо Холматовна Мирзажонова, 86-Қўқон округидан Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби Ортиқали Турғунович Қозоқов номзодлари қўйилди. Биз уларга сайловда омад ва муваффақият тилаймиз.

Қиличев Акрам Абдусаматович 1978 йил 22 июнда Бухоро вилояти Бухоро туманида туғилган. Маълумоти олий, миллати ўзбек.

2001 йилда Бухоро давлат университетини психология ихтисослиги бўйича тамомлаган.

1996-97 йилларда Бухоро тумани ижтимоий суғурта жамғармаси ходими, етакчи мутахассиси, "Галаосиё" почта алоқа тармоғида оператор, қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи ўқитувчиси.

2002-2005 йилларда "Маънавият ва маърифат" марказининг вилоят бўлимида етакчи мутахассис, Бухоро давлат университети педагогика ва жисмоний маданият факультети "Психология" кафедраси ўқитувчиси бўлиб ишлаган.

2005-2006 йилларда Бухоро вилояти ҳокимлиги аппаратининг етакчи мутахассиси, Бухоро Озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти касбий таълим факультети декани муовини, 2006 йил март ойидан Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Бухоро вилоят кенгаши раиси сифатида фаолият кўрсатмоқда.

Акрам Қиличев партиявий ишда ташкилотчилик, ташаббускорлик намуналарини кўрсатиб, бошланғич партия ташкилотлари, туман ва шаҳар партия кенгашлари ишини яхши йўлга қўйиш ҳамда ҳукуматимиз ва партиямиз қарорларини ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатди. Бу эса ўз самарасини бермай қолмади. Вилоят кенгашида қатор янгиликлар рўй берди, партия аъзолари сони ортди, партиянинг аҳоли орасидаги мавқеи кўтарилди.

Оилали, икки фарзанди бор.

Мирзажонова Хайринисо Холматовна 1947 йили Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ туманида туғилган. Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетини тамомлаган. Ихтисослиги – ўқитувчи.

Меҳнат фаолиятини Тошкент вилояти Юқори Чирчиқ туманидаги 20-мактабда бошланғич синф ўқитувчилигидан бошлаган. Ўрта Чирчиқ туманидаги 52-ўрта мактабда кимё-биология ўқитувчиси, 1977-81 йилларда Ўрта Чирчиқ туманидаги 9-мактаб директори, 1981-90 йилларда Тошкент вилояти Наримонов шаҳар халқ таълими бўлими мудири, 1990-99 йилларда Бектемир туман ҳокимининг ижтимоий ва хотин-қизлар масалалари бўйича ўринбосари, 1999-2004 йилларда Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси бош мутахассиси лавозимларида ишлаб келган. 2004-2005 йилларда Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Тошкент вилояти кенгаши раиси ўринбосари ва Тошкент шаҳар кенгаши раиси, 2005 йил мартдан ҳозирги кунгача Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси раиси ўринбосари лавозимида ишлаб келмоқда.

Х.Мирзажонова педагог ва тажрибали маорифчи сифатида халқ таълими тизими муаммоларини яхши биллади, уларни бартараф этишда жонбозлик кўрсатади.

Х.Мирзажонова қаерда ва қандай лавозимда ишлашидан қатъий назар вазифасига масъулият билан ёндошади, фидойилик билан ишлайди. У хотин-қизлар қўмитасидаги фаолиятида ҳам иқтидорли қизларни излаб топиш, уларни қўллаб-қувватлаш, муносибларини давлат мукофотларига тавсия этишда самарали фаолият кўрсатган. Шунингдек, хотин-қизлар муаммоларини ўрганиш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, давлат ва жамият қурилишидаги иштирокини кенгайтиришга кўмаклашган.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси аъзоси ва раис ўринбосари сифатида миллатнинг ўзини-ўзи англаши, миллий тафаккур равнақига кенг йўл очиш, фуқароларда Ватанга садоқат ва муҳаббат туйғусини тўла шакллантириш, миллий мерос ва анъаналарни рўёбга чиқариш каби партиянинг асосий мақсадлари ҳамда истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш, миллий урф-одатлар ва қадриятларимизни тиклаш ва асраб-авайлаш унинг фаолият мезонига айланган.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон Республикаси Фахрий ёрлиғи, "Шуҳрат" медали ва Мустақилликнинг 1, 10, 15 йиллиги нишонларини олган.

Оилали, тўрт фарзанди бор.

Қозоқов Ортиқали Турғунович 1960 йилда Наманган вилояти Поп туманида туғилган. Миллати ўзбек. 1985 йилда Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институтини тамомлаган.

1997 йилда Ўзбекистон Бадиий академияси биринчи Олтин медали, 1998 йилда "Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби" унвонларига сазовор бўлган.

О.Қозоқов 1985-86 йилларда Наманган вилояти Поп туманидаги 35-мактабда расм ўқитувчиси сифатида иш фаолиятини бошлаган. 1986-89 йилларда эса, ҳарбий хизматда бўлган. 1989-91 йилларда Низомий номидаги педагогика институтининг расм кафедраси ўқитувчиси, 1990-92 йилларда собиқ иттифоқ академиясининг Тошкентдаги ижодий устахонасида аспирант, 1992 йилдан Ўзбекистон рассомлар уюшмаси аъзоси, 2001-2002 йилларда Ўзбекистон Бадиий академияси академик котиби, 2002-2003 йилларда Камолиддин Беҳзод мемориал боғ-музей директори лавозимларида ишлаган.

О.Қозоқов ижодкор сифатида мунтазам изланади, ўзининг ижтимоий-сиёсий савиясини оширишга ҳаракат қилади. Шунингдек, истеъдодли ёшларни аниқлаш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларнинг ўз иқтидорларини намоён қилишларига кўмаклашиш борасида кўпгина ижобий ишларни амалга оширган. Иқтидорли ёшларни маданий-маърифий, ижодий имкониятларини очишда турли танловлар, хайрия тадбирларини ташкил этади. Шунингдек, ёш истеъдодларнинг камол топишида мураббийлик қилиб, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. Унинг асарлари дунёнинг 25 га яқин хорижий мамлакатлари музей ва шахсий коллекцияларидан жой олган. 80 га яқин халқаро ва Республика кўргазмаларида иштирок этиб, дипломлар, махсус совғалар билан тақдирланган. Шунингдек, оммавий ахборот воситаларида миллий қадриятларимиз, санъатимизга оид мақолалар, телевидение орқали кўрсатувлар ташкил этган. Ижоди ҳақида монографик альбом-каталоглар чоп этилган. Асарлари мамлакатимизнинг нуфузли идораларини безаб турибди.

ЎзМТДПнинг вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари фаолиятини такомиллаштириш, аҳолининг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, партиянинг мақсадларини кенг аҳоли ўртасида тарғиб қилиш ва партия аъзоларининг сони ортишида хизматлари катта.

Оилали, икки фарзанди бор.

«Миллий тикланиш»чилар учун овоз берайлик!

ФАОЛЛАР ТАШАББУСИ

ЎзМТДП Қарши шаҳар кенгаши ташаббуси билан Қарши спорт коллежида «Экология ва ёшлар» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Самарқанд вилоят кенгаши «Хотин-қизлар қаноти» ташаббуси билан «Хотин-қизлар қаноти иш фаолиятини такомиллаштириш: муаммо ва ечимлар» мавзуида семинар-тренинг ўтказилди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилояти Вобкент туман кенгаши ташаббускорлигида «Мустақиллик ва Конституциямиз ҳимояси муқаддас бурчимиздир» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах шаҳар кенгаши ташаббуси билан Жиззах санъат коллежида «Бахтимиз қомуси» номли тадбир ўтказилди.

* * *

Партиянинг Қашқадарё вилояти Чироқчи туман кенгаши ташаббуси билан Чироқчи транспорт коллежида «Конституция — бахтимиз қомуси» мавзуида тадбир ўтказилди.

* * *

ЎзМТДП Жиззах вилояти Зарбдор туман кенгаши ташаббуси билан Зарбдор касб-ҳунар коллежида «Миллий тикланиш йўлида» мавзуида давра суҳбати ташкил қилинди.

* * *

Партиянинг Тошкент туман кенгаши ташаббуси билан 3 декабрь — Ногиронлар кунига бағишлаб тадбир ўтазилди.

* * *

ЎзМТДП Фарғона вилоят кенгаши «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши билан ҳамкорликда «Фуқароларнинг конституциявий бурч ва мажбуриятлари» мавзуида тадбир ўтказди.

* * *

Партиянинг Бухоро вилоят кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти вилоят филиали билан ҳамкорликда Ибн Сино илмий-универсал кутубхонасида Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун муҳокамасига бағишланган йиғилиш ўтказди.

ЎзМТДП Марказий кенгаши матбуот хизмати.

Китобга, маърифатга ошно бўлган ёшларнинг келажаги нурлидир.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

2007 йил — Ижтимоий ҳимоя йили

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧЛИГИ

ҲАЁТИМИЗДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

Президент Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги маърузасида 2007 йилни Ижтимоий ҳимоя йили деб эълон қилиниши давлат томонидан инсон манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя этишни босқичма-босқич амалга оширишнинг ёрқин ифодасидир. Бу хабарни фуқароларимиз зўр қониқиш билан кутиб олишди.

Бугун Ўзбекистонда кўп болали ва кам таъминланган оилалар, ёлғиз кексалар, етим-есирлар ва ногиронлар, талаба ва нафақахўрлар манфаатларини ҳар томонлама ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг энг муҳим жиҳатига айланганини чет элликлар ҳам эътироф этишмоқда. Ҳа, бу инсонпарварлик сиёсати замирида инсон, унинг орзу-ниятлари, дарду ташвишлари ётибди. Темур тузукларини ўқиган ва бугун замон билан ҳамнафас бўлган киши халқ манфаатларини таъминлаш мақсадида мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар миллатимизнинг урф-одатларига, анъаналарига мос эканлигини дарҳол англайди.

Юртбошимиз маърузасида белгилаб берилган — янги йилда амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар партиямиз учун ҳам дастуриламал бўлиб хизмат қилиши табиий. Шунингдек, сиёсий партияларнинг яқин келажакда амалга оширажак муҳим вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Маърузани тинглаб, пировард мақсадимизга эришиш учун воқеликнинг ортида эмас, олдида юришимиз, ҳар қандай муаммоларнинг олдини олишимиз, тараққиёт ва демократик янгиланиш заминини белгилаб берадиган қонунларни ўз вақтида қабул қилишимиз, уларга тез ва шиддат билан ўзгариб бораётган замон тақозо этаётган ўзгартиш ва қўшимчаларни киритишимиз зарурати нечоғли долзарб эканини яна бир бор ҳис этдик.

Яқинда мамлакатимиз раҳбари томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси билан киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонун лойиҳаси ЎзМТДП томонидан тўлиқ маъқулланди. Ва жойларда партия аъзоларига қонун лойиҳасининг мазмун-моҳияти юзасидан кенг тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Президентимиз ўз маърузаларида қонун лойиҳасини тайёрлашнинг амалий эҳтиёжи, асосий омиллари ва сабаблари ҳақида тўлиқ тушунча берди. Юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзини оқлаган, босқичма-босқич ривожлантириш йўлидан изчил бориб, ислоҳотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини алоҳида таъкидлаш лозим.

Мустақиллик даврида сиёсий партияларнинг тажрибаси, нуфузи ортгани ва анча пишиб етилганини ҳисобга олган ҳолда, уларнинг фаолият самарадорлигини ошириш ва ҳаётимизда ҳал қилувчи сиёсий кучга айлантириш учун қонуний йўл-йўриқларни яратиб беришини бугун замоннинг ўзи тақозо қилмоқда. Шу боис халқимизнинг сиёсий етуклиги ва ижтимоий фаоллиги тобора ортиб бораётганини инобатга олишимиз ва шунга қараб сиёсат олиб бориш заруратини унутмаслигимиз керак.

Албатта, қонун лойиҳасидаги моддалар замирида миллий давлатчилигимиз негизларини мустаҳкамлаш, жамиятимизни демократлаштириш ва либераллаштириш, барқарор тараққиёт кафолатини таъминлаш ва шу аснода иқтисодиётимизни ривожлантириш, халқимиз турмуш даражасини изчиллик билан кўтариб бориш-дек эзгу мақсад ётибди.

Сиёсий партиялар қанча фаоллашса, одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий онги ҳам ортиб бораверади. Ҳар бир партиянинг куч-қудрати уларнинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий-маънавий соҳалар ривожига ҳисса қўша оладиган дастурларининг таъсири ва партия

(Давоми. 2-бетда).

«Обуна-2007»

СИЗ МИЛЛИЙ ТИКЛАНИШГА ТАРАФДОРМИСИЗ?

Бу саволга Ўзбекистон манфаатини устувор билган ҳар бир фуқаро **«Ҳа!»** деб жавоб беради.

Миллий тикланиш — Ватан тараққиётининг зарурий шартидир.

Агар шундай эзгу ният Сизга ҳамроҳ бўлса, таклифимиз:

«Миллий тикланиш» газетасига обуна бўлинг.

Обуна нархи мамлакатимизда чоп этиладиган марказий нашрлар ичида энг арзонидир.

Обунани ташкил этишда фаол қатнашган вилоят ва туман партия кенгашлари, корхона ва ташкилотлар раҳбарлари албатта, рағбатлантирилади.

Газетанинг нашр кўрсаткичи — 158.

Муборак сафар олдидан

МУСТАҚИЛЛИК БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Ҳаж сафарига жўнайдиган кунлар ҳам яқин қолди. Муборак сафарга бориш имкониятига эга бўлган фуқароларимизнинг қувончлари чексиз. Ҳар йили беш мингдан ортиқ юртдошларимиз ҳаж амалларини адо этиб қайтишаётир. Бу она-Ватанимизнинг мустақиллиги — Аллоҳ таоло бизга берган буюк неъмат. Истиқлол шарофати ила дин ва ибодат масалаларида кўп эркинликлар берилди. Ҳам диний, ҳам дунёвий илмларда оламга машҳур улуғ аждодларимиз хотираларига ажойиб бир тарзда ҳурмат бажо келтирилди. Тақдир тақозоси билан ўттиз йил Ўзбекистон мусулмонлари диний идорасига қарашли масжидларда турли вазифаларда ишлаб келяпман. Шундай эркин, ҳур даврларда мустақилликка бўлган айрим воқеалар ёдга тушаверади.

Асаканинг Қиртош қишлоғида Сайфулло махсум деган қўли гул дурадгоруста яшарди. У жуда тақводор инсон эди. Ҳажга бориш ниятида ўн йилдан ортиқроқ Тошкентга бориб, диний идораларда устачиликдан тортиб, нима хизмат бўлса бажариб юрди. Ўша пайтдаги муфти Зиёвуддин қори устозимиз бир амаллаб Сайфулло махсумни ҳажга бориши учун рухсат олади. Ўша вақтларда ҳаж сафарига Москва орқали юборилар эди. Москвага бориш учун поездга чиққанида Сайфулло махсумни икки киши «бир ишкаллик чиқиб қолди» деган баҳона билан олиб тушиб кетишади. У киши шу тариқа ҳажга боролмай армонда қолади.

Ўтган асрнинг тўқсонинчи йилларигача Андижонда бор-йўғи 8 та жомеъ масжиди бўларди. Улар ҳам эски, кўримсиз бир ҳолатда эди. Масжидга бир дона мих қоқсангиз ҳам рухсат сўрайсиз, деган кўрсатмалар бор эди. Масжидларни таъмирлаб обод қилишни истасак ҳам бунга йўл қўйилмасди. Ўша пайтларда ҳайит намозини ўқиш учун саноқли қариялар келишарди. Уларнинг пешонасида «эскилик сарқитлари билан заҳарланган» деган тамға бор эди.

Минг тўққиз юз етмишинчи йилдаги бир воқеа кўз ўнгимда. Оппоқдадам мулла Холиқ (жойлари жаннатда бўлсин!) салласини сумкасига беркитиб ҳайит намозига борганди. Саллани ўраб олмайсизми десам, мелисадан қўрқаман, қамаб қўяди, масжидга киргач ўраб оларман, деганди. Собиқ шўролар даврида «диндорлар бизнинг синфий душманимиз деган» сиёсат юргизиларди. Жаноза ўқиш, никоҳлаш амаллари пинҳона тарзда, қўрқиб-қўрқиб бажариларди.



У пайтлар масжидларда, диний идораларда ёши бир жойга бориб қолган қариялар ишлашарди. Ҳозир-чи, масжидларда, диний мадрасаларда Тошкент Ислом университетида таълим олган ёшлар хизмат қилишаётир.

1984 йилнинг кузи эди, чамамда. Фарғонанинг Бағдодига таниқли бир бирадаримизнинг вафоти муносабати билан фотиҳага бордик. Марҳумнинг эшиги олдида иккиуч эркак туриб: «Бу ерда Қуръон ўқилмайди», — деб келганларни огоҳлантирарди. Ичкарига кирсак, марҳумнинг суратини устунга илиб, тагига орден-медалларини териб қўйишибди. Расмга қараб-қараб, дилимиздаги ниятларни тилимизга чиқаролмай қайтганмиз.

Ўша йиллари Шаҳрихондаги «Муҳаммад Розиқбой» масжидида ноиб бўлиб ишлардим. Шаҳрихондаги 19 та қабристон ёпилди. «Қамолтепа» қабристонини «Дўстлик» деб аташди. Марҳумларни фақат шу қабристонга дафн этилиши хусусида кўрсатма бўлди. Ўша кунлари саксон беш ёшли, зукколикда тенги йўқ Зебихон отинбуви оламдан ўтиб қолди. Марҳумани қабрга қўйяпмизу қабристоннинг дарвозасидаги катта радиокарнайдан мумтоз қўшиқлар янграб турибди. Дардимизни ичга ютиб, юракларимиз титраб-титраб отинбувини фоний дунёга кузатиб қолганмиз.

Дахрийлик ҳукм сурган йиллардаги бундай хўрликлар нафақат диндорларнинг, балки барча миллатдошларимизнинг ҳам фожиаси эди. Миллий либосларни кийганлар камситилган, миллий байрамлар тақиқланган шу каби аянчли воқеликлар энди тарих бўлиб қолди, илоҳо, шундай бўлсин.

Ўтмишдаги диндорларга нисбатан қилинган номаъқулчиликларни эслаш бугунги кунни қадрлашга хизмат қилади.

Ҳозир юртимиздаги икки мингдан ортиқ масжидда ёшу қарилар иймон-эътиқод билан ибодат амалларини адо этишаётир. Ўзбекистон Мусулмонлари идораси нашриётида ҳидоят ва раҳмат китоби «Қуръони Карим» ва бошқа юзлаб диний адабиётлар чоп этилиб, маънавий эҳтиёжларимизни қондириш учун хизмат қилаётир. Бугун мустақил Ўзбекистонимизда барча дин вакиллари эркин фаолият кўрсатишаётир. Диндорлар учун бундан ортиқ бахт борми!

Яратганнинг ўзи Ўзбекистонимизни бало-қазолардан, фитна-туҳматлардан паноҳида асрасин. Нуроний отахонларимиз, муниса онахонларимизни иймон-эътиқодда мукаммал айласин. Ўғил-қизларимиз маънавиятли, маърифатли, Ватанимиз равнақи учун хизмат қиладиган фидойи инсонлар бўлиб камолга етишларини насиб этсин. Истиқлол қуёши абадий бўлсин.

Абдулаҳадқори ТОЖИБОЕВ,
Бўз туманидаги «Бурҳониддин Марғиноний» масжиди имоми.

Энг оғир нуқтада

ҚАМЧИҚ ДОВОНИ ХАВФСИЗ ВА РАВОН

Қамчиқ довонига баҳор ўн беш-йигирма кун кечроқ келса-да, қиш бу ерларда эртароқ қиличини ялангочлайди. Йилнинг учдан биридан ҳам кўпроғи қорли-ёмғирли, изғиринли, шамолли кечади. Мусаффо ҳавоси, роҳат бахш этувчи табиати, тоғларнинг кўркига кўрк қўшган арчазорлари-ю тоғ ён бағирларидаги боғ-роғларининг чиройи ҳам ўзгача. Аҳолиси чорвачилик илмининг устаси. Қишин-ёзин довон йўлида қатиқ-қуртоб савдодан узилмайди. Олма-ю туршаклар таъмида ҳам тоғнинг ҳиди бор.

Қамчиқ. Кимдир қадимда бу сўз «камчиқ», яъники камроқ чиқ, бу йўллар хавфхатарли, манзиллар машаққатли деган маънода ишлатилган, дея таъриф беради. Узоқ асрлар давомида бу йўллардан не-не улуғлар ўтган, не-не азиз авлиёларнинг табаррук излари қолган. Илм излаб боболаримиз Аҳмад ал-Фарғоний, Бурҳониддин Марғиноний шу йўллардан ўтгани бор. Кумушларнинг васлига етмоқ илинжида неча-неча Отабеклар ўтган бу йўллар...



Илк бора Қамчиқ довонидан роппа-роса йигирма беш йил илгари ўтгандим. Йўлларнинг икки юзасида турли хил тоғ дарахтлари кўп бўларди. Ариқчалардан зилол сувлар оқиб турарди. Табиати нақадар чиройли бўлса-да, тоғ йўллари шу қадар тор эдики, қарамақарши томондан юк машиналари келиб қолса, бириси четроққа чиқиб, йўл бўшатарди. Анча-мунча ҳайдовчиларнинг довон орқали ўтишга юраги дов бермасди. Ўша йиллар манзаралари энди тарих. Жаҳон андозаларига жавоб бера оладиган кенг ва равон йўллар барпо этилди. Довоннинг энг юқори қисмида тоғ остидан иккита тоннель ўтказилди. Илгарилари довон йўлидан ўтиш учун икки ярим-уч соат сарфланган бўлса, ҳозир бу масофани тажрибали ҳайдовчилар бир соатдаёқ босиб ўтишаётир. Довонга чиқишдан то тушишгача йўл бетон тўсиқлар — бардюрлар билан ажратилган. Бу ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилаётир. Ҳар куни бу йўлдан 8-10 мингга яқин автомобиль ўтишини бир тасаввур қилинг-а! Бу йўлни Фарғона водийсини нафақат мамлакатимизнинг бошқа ҳудудлари, балки жаҳоннинг кўплаб давлатлари билан ҳам боғлаб турувчи асосий қон томирга қиёслаб бўлаверади.

Ҳар гал довондан ўтар кезлари бир воқеа ёдимга тушаверади. 2003 йилнинг кузи эди. Андижоннинг Марҳаматида яшовчи тўқсон ёшли Ҳалима аммамни (жойлари жаннатда бўлсин!) Туркистонга, Аҳмад Яссавий мақбараси зиёратига олиб кетаётган эдим. Довоннинг энг юқори қисмидаги тоннелларнинг биринчисидан ўтгач, аммам машинани бир дақиқага тўхтатишимни сўради. Сўнг пастга тушиб, қиблага қараб: «Илоё, юртимиз тинч бўлсин, шу йўлларни қурганларнинг қўллари дард кўрмасин», — дея дуо қилди. Ўша жойдан ҳар гал ўтганимда дил-дилимдан аммамнинг дуосини такрорлайман...

Довон қурилишининг илк йилларида суратқаш-мухбир билан бир саҳифа мақола тайёрлаганим ёдимга тушди. Тасодифни қарангки, ўшанда ҳам ҳамма ёқ оппоқ қор эди, бугун ҳам шундай ҳолат. Анчадан буён Қамчиқ довонида хизмат кўрсатаётганлар ҳақида ёзиш ниятим бор эди.

Водийга томон кетаверишда иккинчи тоннелга етмасдан йўлнинг ўнг тарафида кўркам, замонавий биноларга кўзингиз тушади. Биноларнинг бирининг пештоқида «Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги «Қамчиқ» қидирув-қутқарув отряди» деган ёзув бор. Бино атрофи чиройли панжаралар билан ўралган. Навбатчилар хонасида гуруҳ командири капитан Абдурасул Раҳимов билан учрашдик. Отряд ҳақида мақола ёзиш муддаом борлигини эшитгач, капитаннинг зобитларга хос жиддий юзига самимият югурди. Бизни у бинонинг иккинчи қаватида жойлашган отряд командири ҳузурига кузатиб чиқди.

Бошлиқ хонасига кирибоқ дераза токчасидаги тувакда очилиб турган чиройли гулга кўзим тушиб, энтикиб кетдим. Деразадан оппоқ қорлар бағридаги сервиқор, баланд тоғларга бир қарасам, баҳорни эслатиб турган гулга икки қарайман... Танишувдан сўнг, завқимни сездими отряд командири, майор Ойбек Тоштемиров:

— Бир ҳафта бўлди очилганига, ҳар бир хонада гуллар бор, — дея гап бошлади. — Яқинда отряд ташкил этилганлигининг олти йиллигини нишонладик. Ўн тўрт нафар қутқарувчилар куну тун хизматга шай.

Отряд командири бизни қутқарувчиларга яратилган шарт-шароитлар билан таништирди. Маънавият ва маърифат хонасидаги кўргазмали сурат ва ёзувларни, замонавий жиҳозларни кўриб ҳавасимиз келди. Йўлак деворлари ҳукумат қарорлари ва вазирлик йўриқномаларидан кўчирмалар, отряд ҳаётидан ҳикоя қилувчи фотолавҳалар, фавқулодда вазиятларда қандай ҳаракатлар қилиш йўл-йўриқлари акс эттирилган кўргазмалар билан безатилган. Қутқарувчилар ётоқхонаси ҳам саранжом-сариштa.

Отряд сардори ўзаро суҳбатимиз чоғида уста-қутқарувчилар Мурод Бойчаев, Ҳабибулло Отамуродов, Ҳасан Жўраев, фельдшер-қутқарувчи Назира Ҳудойбердиева, ҳайдовчи-қутқарувчи Мирҳосил Абдуҳоликов, Улуғбек Норматов, қутқарувчилар Алихон Сафаров, Шаробиддин Мирзаев каби ҳамкасблари фаолияти, касбий маҳорати ҳақида гапириб берди. Шу йил Қозоғистонда ўтказилган 35 та давлатдан қутқарувчилар қатнашган «Казспас» беллашувида отряднинг уста-қутқарувчиси Абдуманноп Комилов уч километрга югуриш бўйича биринчи ўринни эгаллаб қайтганини ғурур билан сўзлади.

Тоғ шароитида қидирув-қутқарув ишларини амалга оширадиган техникалар шай ҳолатда эканини алоҳида таъкидлади. Телефон, радио ва кўчма алоқа воситалари узлуксиз ишлаб турибди.

Қиш қишлигини қилаверади. Ўтган йили қор кўчкилари туфайли йўлларда турли бахтсиз ҳодисалар содир бўлди. Довонда қутқарувчилар «Ўзавтойўл» давлат акционерлик компаниясига қарашли махсус пудрат таъмир-фойдаланиш корхонаси, Наманган вилояти ИИБ Ёнғин хавфсизлиги бошқармаси 7-ҳарбийлашган ёнғинга қарши кураш қисми, қор кўчкисини кузатиш станцияси, ҳарбийлашган газдан қутқарув гуруҳи, Қамчиқ ички ишлар бўлими ва вилоят йўл-патруль хизмати ходимлари билан ўзаро ҳамкорликда иш олиб бораётгани боис фавқулодда ва кутилмаган кўнгилсиз ҳодисалар оқибатлари тез фурсатларда бартараф этилаётир.

Қутқарувчилар билан самимий хайрлашдик. Уларнинг «Йўлингиз бехатар бўлсин!», — деган тилакларини эшитиш жуда-жуда мароқли эди.

Ўринбой КЕНЖАЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

ИСЛОҲОТЛАРНИНГ БОСҚИЧМА-БОСҚИЧЛИГИ

ҲАЁТИМИЗДА ЎЗ АКСИНИ ТОПМОҚДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

атрофига йиғилган тарафдорларининг сони билан ўлчанади.

Ҳозир юртимизда бешта сиёсий партия фаолият кўрсатаётир. Уларнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ўз фракциялари, маҳаллий кенгашларда депутатлар гуруҳлари мамлакатимизда демократик жараёнларни давом эттиришда, ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлида ижобий натижаларга эришаётир. Аммо сиёсий партияларимизнинг фаолияти реал ҳаёт муаммоларидан узоқ бўлиб тургани ҳақида давлатимиз раҳбари илгари ҳам бир неча бор айтган эди.

Мақсадларимиз катта, лекин партиялар, шу жумладан, ЎзМТДП томонидан эришилган натижалар шу эзгу мақсадлар талабларига тўлиқ жавоб бера олмаётганини ҳам тан олиш керак. Сиёсий партияларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини янада кенгайтириш, уларнинг қонунчилик ва давлат бошқаруви идоралари фаолиятига, мамлакатимизда олиб борилаётган ички ва ташқи сиёсатга амалий таъсирини кучайтириш йўлида мазкур қонун лойиҳаси янги-янги имкониятлар очиб бериши шубҳасиз. Ҳукумат раҳбари, вилоят ҳокимларини сайлаш ва тайинлаш, уларни вазифаларидан четлаштиришда фаол иштирок этиши, шу орқали ижро ҳокимияти фаолиятига бевосита таъсир кўрсатишининг ўзиёқ сиёсий партияларнинг ҳаётимиздаги роли ва амалий таъсири кескин кучайишининг далолатидир. Бу билан бошқарув ва ижро ҳокимияти устидан жамоатчилик назоратининг самарали тизими ўрнатилишга ҳам ҳуқуқий замин яратилади.

Мазкур қонун лойиҳаси ва Конституциямизга айрим ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги таклифларнинг аҳамияти ва моҳияти, таъсири демократик жараёнларни чуқурлаштиришга хизмат қилиши шубҳасиз. Бу ўзгаришлар эл-юртга нима бериши ва ҳар биримиздан нималарни талаб қилишини одамлар онгига етказиш асосий вазифамиздир.

Президентимиз таъбири билан айтганда, бу диёр, бу бетакрор юрт барчамизники, Ватанимиз мавқеи ва обрўсини ошириш ҳаммамизнинг муқаддас бурчимиз. Айнан шундай тушунча билан бир ёқадан бош чиқариб, белимизни қаттиқ боғлаб, ислоҳот ва янгиланиш жараёнларини қатъият билан давом эттирсак — ҳеч шубҳасиз, марра бизники — юртимизда ўзгалар ҳавас қиладиган эркин ва фаровон жамиятни албатта қурамиз.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Китобингизни ўқидим

Юртимизда ёш авлодга, айниқса, болаларга ғамхўрлик давлат даражасига кўтарилган. Ушбу давлат сиёсатини амалга оширишнинг ташкилий, иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий тизими амал қилмоқда. Унинг асосий мақсади болаларга муносиб ҳаёт шароитларини таъминлаш, уларни соғлом ва маънавий баркамол инсон қилиб етиштиришдир.

ФОЙДАЛИ ҚЎЛЛАНМА

Ўзбекистон бугунги кунда инсон, болалар ҳуқуқлари бўйича қатор халқаро конвенциялар ва битимлар иштирокчиси бўлиб, улар миллий қонунлар мазмунига сингдирилмоқда. Олти йилдан буён амал қилиб келаётган Оила кодекси оилани ҳар томонлама мустаҳкамлашнинг асосидир.

Ҳозирда республикамизда оила-никоҳ тўғрисидаги миллий қонун ҳужжатлари шаклланмоқда. Мамлакатнинг дунёвий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган йўли инсон, шу жумладан, болалар ва ота-оналар ҳуқуқларини ҳимоялаш масаласини кун тартибига қўйди. Шунингдек, унинг қатор муаммолари ўз ечимини кутмоқда. Сиз бу ҳақда муфассалроқ маълумотларга эга бўлишни истайсизми? У ҳолда юридик фанлари номзоди Гулнора Иноможонованинг «Ота-оналар ва болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш муаммолари» рисоласини ўқинг. Олий ва ўрта махсус юридик ўқув юртлари талабалари, ФҲДЁ ходимлари ва оила муаммолари билан қизиқувчи кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган мазкур қўлланма «Адолат» нашриётида чоп этилган бўлиб, унда ўзбек халқининг ҳаётий ўчоғи, оиланинг умумдавлат асоси сифатидаги бугунги ўрни ва роли; анъанавий ҳамда замонавий омиллар омухталигида уни такомиллаштириш, мустаҳкамлаш каби бугуннинг долзарб масалалар тадқиқ этилган. Эслатиб ўтамиз: тадқиқотнинг илмий янгилиги шундаки, унда болалар ва ота-оналарнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини оила-ҳуқуқий воситалар асосида ҳимоя қилишни ҳар тарафлама таҳлил этишга ҳаракат қилинган.

Г. ҲУСАНОВА.

МИЛЛИОНЕР ФЕРМЕР

болалар боғчасига уч миллион сўмлик жиҳоз олиб берди

Омонбой Абдуллаевнинг Дўстлик туманидаги «Оқ-олтин» агрохизмат маркази ҳудудида «Машъал» фермер хўжалигини ташкил этганига 10 йилдан ошди. 85 гектар ерда деҳқончилик қилиб кам бўлмади. Ҳар йили режаларни ошиги билан адо этиб келмоқда. Қарийб ўттиз бир йилдирки, ер билан «тиллашиб» келади. Звено бошлиғи, бригадир, бўлим бошқарувчиси лавозимларида ишлаб, деҳқончилик ҳадисини олган.

Фермер хўжалигида 36 нафар ишчи меҳнат қилади. Уларнинг барчаси Омонбой аканинг фарзандлари, келинлари, қариндош-уруғлари. Ҳар бир ишчи ойма-ой маошини олиб турибди. Шунингдек, уларга бугдой, ўсимлик ёғи ҳам берилади. Саховатли, хайрли ишлар учун ҳар йили бир миллион сўм атрофида маблағ сарфланяпти. Яқинда фермер хўжалиги қишлоқдаги «Баҳор» мактабгача таълим муассасасига 3 миллион сўмлик жиҳозлар совға қилди. Пианино, видеотелевизор, диван-кресло, стол-стул, гилам-поёндозлар болалар ихтиёрига берилди.

— Истиқлол берган имкон туфайли фермер бўлдим, озми-кўпми даромад кўраяпман, — дейди фермер Омонбой ака. — Уни жамоа билан бўлишиб, баҳам кўришни бурчим деб биламан. Болажонларга оз бўлса-да, шароит яратилсин деб шу ишга қўл урдим.

Фермернинг ниятлари катта. Йилдан-йилга ғалла ва пахта ҳосилдорлигини ошириб, ўз хўжалигини янада ривожлантириш орзуси билан меҳнат қилмоқда. Ун тайёрлайдиган тегирмон, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик цех қуриш режаси бор. Ўтган йили ер майдонини 123 гектарга кўпайтирганди. Соф даромади 27 миллион сўмни ташкил этган бўлса, бу йилгиси янада салмоқли бўлиши кутилмоқда. Ғалла, пахта экинларидан мўл ҳосил етиштирилди. Даромадга яраша буромад деганларидек, янги-янги эзгу ишлар амалга оширилмоқда. Дала шийпонида ташкил этилган маънавият ва маърифат хонаси жиҳозланиб, миллий ғояни таргиб этувчи паннолар тартиб билан осиб қўйилган. Телевизор, радио, шахмат-шашка ишчилар ихтиёрида. Матбуот нашрларининг тахламлари ҳам мавжуд. Энг қувонарли жиҳати шундаки, кутубхона ҳам фаолият кўрсатмоқда. Ундан Президентимиз асарлари тўплами ҳам кенг ўрин олган.

Бўрибой НОРҚУЛОВ,
«Миллий тикланиш» мухбири.

Партия ҳаёти

ҲУҚУҚИЙ САВОДХОНЛИК САРИ

ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали билан ҳамкорликда «Ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида давра суҳбати ўтказди. Унда партия фаоллари, талаба ёшлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Тадбирни Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Тошкент шаҳар филиали раҳбари Б.Мамадиев очди. Шундан сўнг ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши раиси Жаннатой Тошматовага сўз берилди. Маърузачи жойларда партия фаоллари томонидан ёшларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини ошириш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида гапирди.

Партия фаоли Ортиқали Қозоқов йиғилганларга Президентимиз томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритилган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонуннинг мазмун-моҳияти ҳақида тушунча берди.

Бобур ЭСОНОВ,
ЎзМТДП Тошкент шаҳар кенгаши ходими.

АЪЗОЛАР САФИ КЕНГАЙМОҚДА

ЎзМТДП Тошкент вилояти Паркент туман кенгаши туман халқ таълими бўлими билан ҳамкорликда мактаб ўқувчилари иштирокида «Ҳуқуқингизни биласизми?» номли тадбир ўтказди.

Партиянинг туман кенгаши қошидаги «Навбаҳор» бошланғич ташкилоти ташаббуси билан «Хотин-қизларнинг оила ва жамиятдаги ўрни» мавзуида йиғилиш бўлиб ўтди. Тадбирда сўзга чиққанлар ёш қизларни оилага тайёрлаш, хотин-қизларнинг жамиятдаги ва сиёсий ҳаётдаги иштирокини ҳамда уларнинг ҳуқуқий билимларини ошириб бориш ҳақида фикр юритишди.

Тадбирда партия сафига янги аъзолар қабул қилинди. Партия фаолларига эсдалик совғалари берилди.

Гулгун РАҲИМОВА.

МЕҲР РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСИН

Меҳр ҳар нарсадан азиз неъматдир. Одамлар орасидаги меҳр ришталари қалбларни бир-бирига боғловчи кўприкка ўхшайди. Шу ришта узилмаса, юртда тараққиёт, тинчлик, хотиржамлик, хонадонларда файзу барака бўлади. Халқимизда ёрдамга муҳтож кишиларни йўқлаб туриш ҳам эзгу фазилатлардан саналади.

Яқинда ЎзМТДП Тошкент вилояти Бўка туман кенгаши Кўзи ожизлар жамияти билан биргаликда тумандаги ёлғиз қариялар, ногиронлар иштирокида хайрия тадбири ўтказди. Туман маданият уйи бадиий ҳаваскорлик жамоалари ижросидаги куй-қўшиқлар тадбирга файз киритди. Меҳмонларга ташкилотчилар томонидан совға-саломлар берилди.

Ф.МИРАБДУЛЛАЕВА.

Ранглар жилоси

МУСАВВИРНИНГ РУҲИЙ ОЛАМИ

Тасвирий санъат галереясида Ўзбекистон Бадиий академиясининг академиги, халқ рассоми, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Жавлон Умарбеков асарларининг кўргазмаси бўлиб ўтди.

Шу ўринда мусаввирнинг Ўзбекистон тасвирий санъатининг ютуқларини дунёга олиб чиқишдаги хизматлари ҳам беқиёслигини таъкидлаб ўтиш ўринли деб ўйлайман. У икки марта АҚШда шахсий кўргазмасини ўтказди. Рассомнинг Франция, Италия, Финляндия, Швеция, Бельгия, Кипр, Венгрия, Руминия, Монголия, Югославия, Қувайт ҳамда Москвада ва бошқа бир қанча давлатларда бўлиб ўтган халқаро кўргазмалардаги иштироки ҳам хориждаги санъат ихлосмандларида катта қизиқиш уйғотган.

Жавлон Умарбеков ижодини узоқ йиллар давомида кузатиб борган мутахассис сифатида шуни айтишим мумкинки, мусаввир ижодининг дастлабки босқичида Шарқ миниатюраси асосида яратилган асарлар кўп эди. Кейинчалик у ҳинд афсоналари ва ривоятларига асосланган диплом иши, «Навоий ва Ҳусайн Бойқаро», «Қўшиқ» ва бошқа композицияларда миниатюра канонларига мос изланишлар олиб борди. 1972 йилда бўлиб ўтган кўрик-танловда намойиш қилинган «Менинг дўстим» асарида эса шарқона услубдан ғарб икона йўналишига кўприк солди. Мусаввир ижодининг кейинги палласида Шарқ ва Ғарб тасвир асосларини, уларнинг яқин ва бир-биридан фарқланувчи хусусият, қирраларини ҳис қилган ҳолда ўзига хос тажриба яратди. Яъни ўз ички сезгиларини эмин-эркин ифода этиш йўлига ўтди. Бу йўналишда унинг қобилияти ва маҳорати янада юзага чиқди.

Унинг руҳий олами чизгиларида Шарқ ва Ғарб фалсафаси қоришиб кетади. Моҳир мусаввир ранг-тасвир сирларини пухта эгаллагани боис ҳар бир асари томошабинни узоқ ўйга толдиради, чуқур мулоҳазага чорлайди. Унинг «Қуёш тутилиши» (1975 йил), «Қоя», «Чехов бухтаси», «Дўппи ва тўн» (1987 йил), «Дўппи сотаётган аёллар», «Сомон бозор», «Тегирмон қошида» (1988 йил) каби асарлари миллатнинг қалб тубидаги туйғуларини жонлантиради. Табиат ва дарахт, ўсимликлар дунёси, жониворлар тасвири оддий кўринишда эмас, аллақандай сирли жиҳатлари билан эътиборингизни тортади. Бир муддат хаёлингизни ўғирлаган дарахт шохларининг ғалати тасвирлари оддий дарахт шохларига ўхшамайди. Унда умр йўлларининг нотекисликларини кўргандай бўласиз.



Тасвир тили баъзан лўнда, кўпинча иборали, таъсирли ҳолатда. «Мен инсонман» композициясидаги рамзийлик, истиора, киноя, мажозий белгилар муаллифнинг кенг кўламли дунёқарашидан далолат бериб турибди. Ёркин фикрлар ҳар бир асар моҳиятига сингиб кетган. Ижодкорнинг тасвир воситалари тиниқлиги мавҳумликни йўққа чиқаради. Кўз ўнгингизда воқеа-ҳодисалар аниқ сюжетлар асосида ягона мақсадга қаратиладики, асарга берилган номга муносиб тасвир ҳам сизда ўзига хос таассурот қолдиради. Руҳиятнинг нозик торлари ички мусиқийликни таъминлайди. Кўнгил торини усталик билан черта олган бу ижодкорнинг ҳамма асарлари ҳам жозибадорлиги, кўп қирралилиги, сир-синоатга тўла олами билан сизни ўз ташвишларингиз гирдобидан олиб чиқиб, чуқур хаёлот дунёсига ташлайди. Энди мусаввирнинг ички туғёни сизнинг кўнглингизга кўчади. Суратларни бирин-кетин томоша қилар экансиз, уларнинг бири иккинчисини тўлдириб, таассуротларингизни мукаммаллаштириб бораверади.

Рассомнинг «Бетоб сардор», «Тонгги ошга таклиф», «Юк ташувчилар», «Эски шаҳар куйи», «Арғимчоқ», «Йўлда», «Ойли тун. От билан» сингари бир қанча асарлари неча йиллар ўтса ҳамки томошабинларни фикрлашга чорлаб турибди. Ҳар бир картинада муаллиф руҳиятининг бепоёнлиги сезилади. Кузатишда давом этар экансиз, мураккабликлар бирдан четга чиқиб, фикрлар теранлашади. Ранглар-нинг уйғунлиги, қоришиқ тасвирларнинг эпкинлари сизни туйғулар тўлқини томон бошлайди. Ана шу ерда мусаввирнинг руҳий олами билан юзма-юз бўласиз.

Абдували ЭГАМБЕРДИЕВ.

Мерос

Юртимизда улуғ инсонлар номи билан боғлиқ гўшалар, муқаддас қадамжолар бисёр. Шундай азиз ерлардан бири Сурхондарё вилояти Бандихон тумани ҳудудидаги Муҳаммад ибн Бака ибн Аҳд ибн Турк ат-Така ат-Термизий қабри жойлашган зиёратгоҳ бўлиб, у Боботака номи билан аталади.

БОБОТАКА ЗИЁРАТГОҲИ

Самон Ашур Ҳамзаи Ҳафиз Кокилдорнинг «Шажаратул Калон» асарида келтирилган маълумотларга қараганда, моҳир ҳунармандлар шажарасидан бўлган Боботака маҳсидўз, этикдўз ва кийикбоқар чўпон сифатида донг таратган. У тиккан этик, маҳси, кавуш ва пўстинларни Шаҳри Ҳайбар (ҳозирги Шеробод тумани) шоҳи, Буюк Ипак йўлидан ўтувчи Араб ҳамда Ажам мамлакатлари савдогарлари қиммат нархларда сотиб олишган. Боботака қўлидан чиққан ниҳоятда сифатли ва чидамли буюмларни савдогарлар жаҳоннинг турли мамлакатларига олиб боришган.

Боботака ҳақида Саъд ибн Ваққосдан муфассал эшитган Пайғамбаримиз (с.а.в) Макка фатҳ этилган 630 йилда Конипурда (ҳозирги Шеробод туманидаги катта бир қишлоқнинг номи) у билан учрашадилар. Боботаканинг исми, таваллуд санаси, насл-насабини сўраб билгач, Пайғамбаримиз (с.а.в) Боботакага:

— Сиз билан менинг ёшим тенг экан, менинг йилим ҳам Бақар. Энди сизнинг исмингиз ҳам бугундан бошлаб Муванна эмас, Муҳаммад бўла қолсин, — деб ўз ҳурматларини билдирадилар.

Боботака Пайғамбаримиз (с.а.в)га қоғозсифат тайёрланган икки минг кийикнинг терисини ҳадя қилиб, агар зарурат бўлса, яна тайёрлаб беражагани ваъда қилади ва Пайғамбаримиз (с.а.в) билан то қиёматга қадар дўст бўлиб қолишга аҳдлашадилар.

Шундан сўнг Боботака Муҳаммад ибн Бака ибн Аҳд ибн Турк ат-Така (кейинчалик Ат-Термизий нисбаси ҳам берилди) номи билан ҳунарманд-уста, Пайғамбаримиз (с.а.в)га отдош, тенгдош сифатида саҳобалар орасида ҳам ҳурмат топади.

Боботака Пайғамбаримиз (с.а.в)га, саҳобалари-ю уларнинг аҳли аёллари учун кавуш, маҳси, этиклар ҳадя қилиб, Қуръони Каримни ўрганишга ваъда қилиб қолади.

Шаҳри Ҳайбар (Шеробод шаҳри) Боботака номи билан машҳур бўлди. Айни пайтда, Бандихон туманидаги Боботака ҳунарманд, этикдўз, маҳсидўзлар зиёратгоҳи десак, муболаға қилмаган бўламиз.

Жуманазар АНОРОВ.

Таълим ва ислоҳот

"КОРЕЯГА САФАР"

Истиқлол йилларида давлатимиз томонидан ёшларнинг билим олиши, маънавий баркамол шахс бўлиб етишиши ва жамиятда ўз ўрнини топишига кўмаклашиш мақсадида кўплаб ишлар амалга оширилмоқда. Улар сирасига таълим грантлари ва турли ижтимоий лойиҳаларни киритиш мумкин. Ушбу лойиҳалар орасида «LG GRANT» ва «Йилнинг энг яхши ғояси» танловлари ҳам ўзининг алоҳида аҳамиятга эга эканлиги билан ажралиб туради. Мана, уч йилдирки, ушбу лойиҳалар иқтидорли талабаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорларини намоён этишларига имконият яратиб бериш мақсадида «LG Electronics» компаниясининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташаббуси билан ўтказиб келинмоқда. Ўтган давр мобайнида 50 дан ортиқ истеъдодли талаба ғолиб деб топилди. Бу уларни ўз мутахассисликлари бўйича қўникмаларини ошириш ва билимларини чуқурлаштиришга рағбатлантирмоқда. Шу билан бирга, энг истеъдодли талабани «LG Electronics» компанияси "Кореяга сафар" ва компания заводларидан бирига ташриф буюриш имкониятини берадиган Гран-при билан тақдирлаш анъанага айланяпти. "Йилнинг энг яхши ғояси" танловида эса учта категория бўйича 9 нафар энг яхши ғоя муаллифи аниқланиб, улардан йилнинг энг ноёб ғояси муаллифи Гран-при соврини билан рағбатлантирилади.

Жорий йилда «LG GRANT» ва "Йилнинг энг яхши ғояси» Гран-при ғолиблари Тошкент давлат иқтисодиёт университети 4-босқич талабаси Икром Ёқубов, Тошкент давлат жаҳон тиллари университети 3-босқич талабаси Дилноза Убайдуллаева, Қорақалпоғистон давлат университети 1-босқич талабаси Гуванч Давлетовлар Жанубий Кореяга сафар қилиш бахтига муяссар бўлишди. Улар Сеул, Пусан, Чанг Вон, Куёнг Джу, Гуми каби шаҳарларда бўлиб қайтишди. Ғолиблар ҳозир Жанубий Корея халқи, уларнинг урф-одатлари, гўзал табиати ва тарихий масканлари, император саройлари, қадимий ёдгорликлари, аҳолисининг ўзига хос маданияти ва саънати, замонавий иншоотлари ҳақида тўлқинланиб гапиришади.

Муҳаммаджон РАҲМАТОВ.

Маънавият

САМАРҚАНДДА БИР МУЗЕЙ БОР...

Ул маскан аҳли маърифатнинг, илму урфоннинг дийдорхонасига айланган. Ўзбекистон халқ шоири Нормурод Нарзуллаев таъкидлаганидек:

Тўпланиб аҳли шуаро, мажлис қурмиш дўсту ёр,
Тўхтамайди шому саҳар еру кўкда куй, алёр.

Гап маърифатпарвар шоир Ориф Гулханийнинг Самарқанд шаҳрида жойлашган уй-музейи тўғрисида бормоқда.

Ҳақиқатан ҳам, юртимизда мустақиллик еллари эса бошлагандан кейин ташкил этилган мазкур даргоҳ бугунги кунда ўзининг шоир ҳаётлиги чоғидаги гавжумлигини тиклади десак, янглишмаймиз.

Ўз замонасининг таниқли шоири бўлган, ҳам ўзбек, ҳам тожик тилларида асарлар битган маърифатпарвар шоир Ориф Гулханий Самарқандий адабий меросини ўрганишга XX асрнинг 80-йилларида киришилди. Садриддин Айнийнинг замондоши ва дўсти бўлган Гулханийнинг асарлари нега кенг китобхонлар оммасига маълум бўлмаган, нега улар ўзбек адабиёти дарсликларига киритилмаган? Ваҳоланки, шоирнинг шеърлари қўшиқ қилиб куйланган, давра ва мушоираларда ўқилган.

Самарқанднинг машҳур заргарлари сулоласидан бўлган Ориф Гулханий дастлаб Самарқанддаги Шердор, кейинчалик эса Бухородаги Мир араб мадрасаларида таҳсил олади ва замонасининг ўқимишли кишиларидан бири бўлиб етишади. Самарқандга қайтгач, шаҳардаги Мадрасаи нав ва Мадрасаи Орифжонбой деб аталмиш мадрасаларда мударрислик қилади. Айни пайтда ажойиб шеърлари, ғўзал рубоий, ғазаллари билан адабиёт ва санъат аҳлига танила боради.

Бу орада юртимизда ҳам янги мафкура қулоч ота бошлаганди. Ўзининг отошин ашъорлари билан элга манзур бўлаётган шоирга ҳам янги мафкура пешволари эътиқодини ўзгартиришни таклиф қилишади. Бироқ Гулханий янги ҳукуматнинг маърифат ва замонавий илмни жорий қилиш борасидаги саъй-ҳаракатларини маъқуллашини билдирса-да, эътиқодига содиқ қолишини айтади. Ва шу билан ўз асарларининг матбуотда чоп этилиши ҳуқуқидан маҳрум бўлади. Қатағон йилларида Гулханий ҳам барча маърифатпарвар ва диндор кишилар қатори ҳибсга олиниб, Регистон мавзеидаги ҳовлиси мусодара қилинади. Шоир озодликка чиққач, ўзини ижодга бағишлади.

Самарқанднинг энг хушҳаво гўшаларидан бири аввалари Хожа Аҳрор мавзесининг Тали-Регак деб аталувчи маҳалласидан ер олиб, боғ яратишга киришди. Тез орада бу боғ Самарқанд маърифат аҳлининг мушоиралар ўтказувчи севимли гўшасига айланди. Бу шеърий мушоираларда Васлий, Садриддин Айний, янги мактаб асосчиси Шакурий, шоирлар Жавдод, Умрбоқий, Шаҳрисабзий, Жомий Самарқандий, бастакорлар Абдулазиз Абдурасулов, домла Ҳалим Ибодов ва бошқалар қатнашар эдилар. Гулханий, шунингдек, талабалар билан учрашувларга ҳам бориб турар, ўз боғининг катта ҳовуз атрофидаги супасида шогирд ва талабаларни қабул қилар эди. Унинг шогирдлари орасида Асқад Мухтор, Раъно Узоқова, Воҳид Абдулло, Ҳабиб Юсуфий ва бошқалар бор эди.

Шоир ўгитларини олган, кейинчалик кўзга кўринган давлат арбоби бўлиб етишган ёзувчи Шароф Рашидов ташаббуси билан 1980 йилда СамДУ биносида шоирнинг 100 йиллик юбилейи ўтказилди. Ва ўшандан кейингина шоир ижоди ўрганилиб, шеърлари замондош қўшиқчиларимиз томонидан сайқал берилиб, ижро этила бошланди.

Гулханийни билган, унинг суҳбатидан баҳраманд бўлган дўстлари, шогирдлари таклифи билан унинг севимли набираси Муқимжон Орифий бобоси фаолияти, ижодига оид манбаларни тўплади ва 1998 йил 16 декабрда Самарқанд шаҳар ҳокимининг қарори билан Ориф Гулханийнинг уй-музейи ташкил этилди.

Муқимжон Орифий бобосининг боғ томондаги меҳмонхонасини тўлиқ қайта таъмирлаб, музей учун тайёрлаб қўйган эди. Музейдан шоир асарларининг қўлёзма, тошбосма нусхалари, шунингдек, шоирнинг ўғли, қалам соҳиби Олимжон Орифий асарлари ҳам жой олган. Албатта, ҳозирги кунда юртимизда жуда кўплаб уй-музейлар фаолият кўрсатиб келмоқда. Уларнинг барчаси қадриятларимизни тиклаш, ўрганиш, атоқли улуғ аждодларимиз меросини келажак авлодларга етказиб бериш нуқтаи назаридан ҳам жуда муҳим ва зарур.

Ориф Гулханий уй-музейи шуниси билан аҳамиятлики, бу даргоҳда мушоиралар руҳи ҳам қайта тикланган. Бу ерда ҳозир ҳам шоирлар йиғилишиб, мушоиралар ўтказишади. 2001 йилда ўтказилган «Шашмақомхонлик» кўрик-танлови, «Шашмақом»ни тиклаш учун олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, бугунги кунда мунтазам тус олган ғазалхонлик, гулханийхонлик кечалари, буларнинг барчабарчаси шоир Ориф Гулханий уй-музейи Самарқанд жамоатчилиги ҳаётида муҳим ўрин тутишини билдиради. Юқорида шоир Н.Нарзуллаевнинг «Сўнмас шоир юлдузи» қасидасидан бир мисра келтирган бўлсак, Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд бўлими раиси Ориф Ҳожи фахр билан қуйидаги мисраларни битган:

Орифо, номинг билан ҳар неча фахр этсанг бўлур,
Сенга отдош эрдилар манзилобод Гулханий.

Биз шоир ижоди ва ҳаёти тўғрисида қисқача гапириб ўтдигу бироқ у киши яратган жаннатмакон боғ ҳақида тўхталмадик. Бу ҳақда шоирнинг ўзлари шундай деганлар:

Хожа Аҳрор қитъасида жойим бор,
Ўзи кафтдек, жаннат каби боғим бор.

Бугунги кунда ушбу боғда 5 мингдан ортиқ тувакларда 200 дан ортиқ турли хилдаги гуллар етиштирилади ва мушоиралар ғолибларига, гулханийхонлик, ғазалхонлик кечалари ташкил этган маҳалла ва ўқув масканларига туҳфа қилинади.

Миллий қадриятларимиз улуғланадиган, илм, ижод аҳли қадрланадиган бу даргоҳга қадам ранжида қилсангиз, ишонамизки, кўнглингиз ажиб таассуротларга тўлади.

Шуҳрат ТЕМИРОВ.

Оппоқ қорга бурканган олам Болаликнинг йўлидек оппоқ.

Алтынбек АЛПАРОВ сурат-лавҳа.

Ўзбек феъли

ҚИРМИЗИ ЧОЙНАК

Хизматдаги йигит нознеъматлар билан безатилган дастурхонга қирмизи чойнакда чой ва пиёлаларни қўйиб кетди. Чойни пиёлага қуйиб, уни кўп йиллар халқ таълими тизимида ишлаган, нафақада бўлса-да, ҳали ҳам маърифат ва мурувват ишларидан узоқлашмаган домла Шукуровга узатдим. Домла чойнак-пиёлаларга разм солиб, гап бошладилар: «Урушдан кейинги йиллар эди. Хонадонимизда чегаланган бир қирмизи чойнак бўларди. Отам раҳматли кексайган чоғларида шу чойнакда чой ичишни жуда хуш кўрардилар. Бир куни дастурхонга бошқа чойнак келтирилди. Отам дарров қирмизи чойнакни сўрадилар. Дарз кетган жойидан сув сизиб, яроқсиз бўлиб қолганини айтишди. Отамнинг руҳлари тушиб кетганини сездим...

Ўша йиллари шаҳарда, техникумда ўқирдим. Ётоқхонамизнинг рўпараси — кўчанинг нариги тарафида бозор бўларди. Ҳар куни дарсга боришда ҳам, қайтишда ҳам бозорга кириб ўтадиган бўлдим. Негаки, отамга қирмизи чойнак олиб бориб беришни кўнглимга тугиб қўйгандим. Аксига олиб бозорга чойнакнинг қирмизиси тушмас эди. Бора-бора савдогарларнинг чойнак олиб келишини кутадиган, чойнакларни бир-бир кўриб, кейин машғулотга кетадиган бўлдим.

Орадан яна икки ҳафта ўтди. Бир куни ётоқхонадан чиқиб, бозорга бораётганимда сотувчи олиб келаётган чойнаклар орасида бир дона қирмизи чойнакни кўриб қолдим. Мен ҳам сотувчи билан бақамти юриб, изма-из бозорга кирдим. У ўзига ажратилган ўринга жойлашиб олгач, олиб келган молларини растага тера бошлади. Аммо шу пайт узун пўстин, тулки телпак кийган қозоқ киши келиб, ўша — мен танлаб келаётган чойнакни ушлади. Мен хазинадан ажралгандек гангиб қолдим.

— Бу ноёб ранг чойнак, ҳам жуда пишиқ ишланган. Нархи қиммат, — деди мол эгаси.

Харидор шошила бошлади:

— Жийирма бес берем!

— Йў-ў-қ, — деди сотувчи беписандлик билан, — энди ярим баҳосига келдингиз.

— Ўттиз! — деди харидор.

Бироқ сотувчи: «Нархига етмадингиз», — дея норозилик билдирди. Харидор бир оз ўйланиб туриб, истар-истамас чойнакни жойига қўйди. Шу заҳоти чойнакни маҳкам ушлаб олдим.

— Ўша охирги айтганига беринг, — дедим шошганимча. Сотувчи бош чайқади.

— Айтинг, қанча берай?

— Ўттиз беш сўм.

Чойнакни тутган ҳолда пулини санаб бердим. Унга монанд бир жуфт пиёла ҳам олдим, қирмизи гардиш, ичида гули бор эди...

Қирмизи чойнакни кўрган отамнинг юзига табассум югурди.

— Топилибди-ку! — деб қўйдилар. Кейин дуо қилдилар: «Ушлаганинг олтин бўлсин, болам!»

Отам саксондан ошиб, оламдан ўтгач, табаррук деб биз фарзандларига улардан қолган буюмлар улашилди. Умрзоқ акам билан мен қирмизи чойнакка даъвогар чиқдик. Акам оиланинг каттаси бўлгани учун ҳам энг қадрли буюми менга тегиши керак, дерди. Мен эса чойнакка кетган меҳнатимни писанда қилардим. Узоқ талашувдан сўнг чойнак акамга тегди.

Йиллар ўз ҳукмини ўтказди: акам узоқ умр кўриб, 98 ёшларида боқий дунёга рихлат қилдилар. Буюмлари тақсимланди. Энди ўйлаб қарасам, ўша пайт қўлга кирита олмаган чойнакка эга бўлиш ҳуқуқидан яна ҳам йироқлашибман. Одатга кўра энг яхши мерос катта фарзандга тегадиган бўлса, акамнинг тўнғич ўғли Абдуғаффорга, агар отасига хизмати сингган фарзанд оладиган бўлса, Абдурасулга тегади. Чунки у кейинги беш йил давомида кўзи ожиз бўлиб қолган отасининг хизматини қилиб, дуоларини олган».

Мен ҳам бу хонадонда — Шукуровлар оиласининг кўп бора меҳмони бўлганман. Бу оиладаги меҳмоннавозлик, одамохунлик сабаб ташриф буюрувчиларнинг кети узилмасди. Шубҳасизки, келиб-кетгувчиларга қирмизи чойнак ўз пиёлалари билан хизмат қиларди. Айниқса, Умрзоқ ота зиёратига кирганлар унинг ширин суҳбатларидан ҳам баҳраманд бўларди.

Умрзоқ отанинг таъзиясига етиб бора олмадим. Яқинда маҳалла оқсоқоли билан фарзандларидан кўнгил сўраб, отахон яшаган уйга кирдик. Хонадон келини дастурхон ёзиб, чойга уннади. Оқсоқол Қуръон тиловат қилгач, савобини Умрзоқ ота руҳига бахшида қилиб тураётган эдик, келин қирмизи чойнакда чой келтириб, дастурхонга таклиф қилди. Бу тарихий чойнакдан бир пиёла чой ичиш мақсадида даврага қайтдик.

Дарвоқе, чойнак кимга тегди, демоқчимисиз? Маҳалла қариялари Шукуровлар оиласи билан келишиб, шажара рамзига айланган қирмизи чойнакни раҳматли Умрзоқ отага кеча-ю кундуз хизмат қилган кенжа Абдурасулга беришни маъқул кўришибди. У ҳам мардлик қилибди, ўз фермер хўжалигига «Қирмизи чойнак» номини бериб, чойнакни ўзининг умрини таълим-тарбия, маърифат ишларига сарф қилган катта акаси Холмўмин Шукуровга совға қилибди.

Абдурауф БАҲМАЛИЙ, Сардоба тумани.

Партия ҳаёти

ДЕПУТАТЛАР ТИНГЛОВЧИЛАР ҲУЗУРИДА

Юртимизда Асосий Қонунимиз — Конституциямизнинг ўн тўрт йиллик байрами муносиб нишонланди. Тантаналар арафасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзоси, Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партиясининг Олий Мажлисдаги фракцияси аъзоси, иқтисод фанлари доктори Абдурашид Тўхтабоев Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси қошидаги Олий бизнес мактаби тингловчилари ҳузурида Конституциямизнинг ўн тўрт йиллиги мавзуида маъруза ўқиди. Вазирликлар, идоралар, корпорация ва концернлар раҳбарларидан иборат тингловчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоблар олдилар.

* * *

Банк-молия академияси тингловчилари билан ўтказилган учрашув мавзуси ҳам Конституциямизнинг 14 йиллигига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитаси аъзолари Абдурашид Тўхтабоев, Самидулло Маҳмудов ўз маърузалари билан қатнашдилар.

Тадбир Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси, «Фидокорлар» Миллий демократик партияларининг Олий Мажлисдаги фракциялари аъзолари иштирокида ўтди.

Гавҳар ДИЛМУРОДОВА, Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети IV босқич талабаси.

ДАРАХТДАГИ САМОВИЙ «КЎЗ»

ёхуд гулларнинг сирли хислатлари ҳақида

Чўлда бораётган карвон оёқ-қўллари боғлаб ташлаб кетилган бир қизга дуч келибди. Қизнинг оқариб кетган юзида ҳеч бир ҳаёт нишонаси сезилмасди. Йўловчилар уни дафн этмоқчи бўлиб, оқ ҳаридан кафан бичишибди. Одат бўйича марҳуманинг кафани ва баданига гулоб сепишибди. Кўп ўтмай қизда тириклик нишонаси сезилибди. Карвон аҳли бундан қувониб, унинг юзига янада кўпроқ гулоб суртибдилар. Қиз кўзини очибди....

Маълум бўлишича, қизга ҳаёт бахш этган гулоб — атиргул барги ни қайнатиб, сўнг буғлатиб олинадиган махсус хушбўй сув экан.

...Азал-азалдан гуллар чиройи ва хушбўйи билангина эмас, балки фақат руҳиятимиз орқали илғаш мумкин бўлган ғалати сехру синоати билан ҳам бизни ўзига мафтун этади. Дунёда минг бир турдаги гул бўлса, уларнинг шунча хислати ҳам бор. Баъзи гуллар кун давомида бир неча марта рангини, ҳатто ҳидини ўзгартиради. Баъзи бирлари эса бизнинг дарду ҳасратимизни «ютади», бундай гуллар ёнига яқинлашсак, ўзимизни енгил ҳис этамиз. Айримларига бизнинг қайсидир жиҳатларимиз «хуш» келмайди, шунинг учун ҳам қанча парваришламайлик, улар яйраб-яшнаб кетолмайди. Хуллас, гулларнинг бизга маълум бўлмаган «сирлари» анчагина...

Айтайлик, сиз гулнинг баргида ўрмалаб юрган чумолини қўлингизга олиб эзғиладингиз. Шу биргина ҳаракатингиз гул учун жуда катта «қотиллик» саналаркан ва у дарров ўсишдан тўхтаб, бужмайиб оларкан. «Гуллар сизнинг кайфиятингизга таъсир қилибгина қолмай, балки тақдирингизга ҳам ҳукмини ўтказиши мумкин», — дейишади мутахассислар.

Масалан, папоротник (қирққулоқ) гули хоҳ оилада, хоҳ идорада бўлсин, жанжалларни бартараф этаркан. Фикус эса хонадонга даромад келтирармиш. Кактус ўсаётган уйга ўғри яқинлашолмайди. Оддийгина ёронгул-чи? Кўпчилик геран деб атайдиган бу гулнинг пушти рангдагиси ёш қизлар ва ёлғиз аёллар хонасида парваришланса, уларнинг ҳаётига қувонч бахш этаркан. Оқ рангдагиси эса қизиққон эркаклар ва ўсмирларни тинчлантириш хусусиятига эга. Семизбарг (толстянка) гули хонадонга фаровонлик, тўкин-сочинлик олиб келади, дейдилар. Бу ўсимликда юксакликни забт этишга, меҳнатни севишга, турли касаллик ва кўнгилсизликларга қарши туриб, уларни енгишга ундовчи сирлилик мавжуд.

Ҳар битта гул ўз ўтмишига эга. Масалан, атиргул юнон халқи учун муҳаббат ва ишқ тимсоли бўлиб, илгарилари келинчакларнинг сочларини шу гулнинг чамбараклари билан безатганлар. Грециядa эса аксинча, тобут устига атиргуллар сочишади. Гўёки улар марҳум руҳига осойиш бағишлармиш. Француз йигитлари унашувдан сўнг қайлиқлари уйига ҳар тонгда нилуфар гулдастаси жўнатишаркан. Немисларнинг таъбирича, нилуфар сеҳрли кучлар таъсирида ўсади. Агар бу гул шаҳидлар қабри устида униб чиқса, «ал қасосу минал ҳақ» деган маънони англатади. Демак, шаҳидлар руҳи ёвузни излаб «топади». Борди-ю, нилуфар гуноҳкор (қотил ёки жиноятчи) қабридан ўсиб чиқса, Аллоҳ бу банданинг гуноҳларини кечирди, деб ҳисоблашаркан.

Чиннигул азалдан жасурлик ва ботирлик рамзи саналади. Францияликлар ақидасига кўра чиннигул «ой бориб, омон қайт» деган маънога эга. Шу сабаб ҳам аскарлар бу гулни мудом ёнларида олиб юрганлар. Капалакгул айрим мамлакатларда ўлимни ифода этгани туфайли у ҳеч кимга совға қилинмайди. Ўрта аср одамлари бўтакўзни «Аллоҳнинг жамолидан яралган», деб ҳисоблаганлар. Дарахтни ўйиб, бўтакўз билан ўралган самовий «кўз» ясашган ва унга «мени сақла» деб ёзиб қўйишган.

Сиз гулларнинг даволаш хусусияти ҳам борлигини биласиз, албатта. Айтайлик, бошингиз лўқиллаб оғриб турганда қип-қизил атиргулни ҳидласангиз бас, дарров оғриқдан халос бўласиз. Ёинки духобагул япроқлари бадандаги яра-чақаларни тузатиши исботланган. Бунинг учун духобагулнинг баргларидан бир нечтасини эзиб, фасод боғлаган яра ёки ҳуснбузарлар устига сурсангиз, шифо ато этади. Халқ табобатида ёронгул (геран) мойи билан буйрак яллиғланиши, бод ва подагра хасталикларини даволаганлар. Бундай мойни уй шароитида тайёрлаш учун ярим стакан миқдордаги геран барглари устига озроқ ўсимлик ёғи қуйинг ва музлатгичда сақлаб гоҳ-гоҳида аралаштириб туринг, икки ҳафтадан сўнг докада сузиб олиб малҳам учун ишлатасиз. Юқори нафас йўллари шамоллаганда атиргул барглларини қайноқ сувда дамлаб ичсангиз, хасталик барҳам топади. Атиргул гулбарглари ни шакарга аралаштириб, сўнг бир неча кун офтоб тиғига қўйсангиз, ажойиб малҳам — гулқанд ҳосил бўлади. У шифобахш саналиб, ҳориган юракка қувват беради. Шунинг сингари, атиргул суви қиз-жувонлар юзини тиниқ ва нафис қилиб кўрсатади. Сиз 20 грамм атиргул баргини бир литр сувда обдон қайнатиб, сўнг совутинг. Бу «гўзаллик дориси» бир ҳафтага бемалол етади. Гултожихўроз дамламаси эса томоқ оғриғини қолдириб, йўтални тўхтатади. Кактусни яшил шифокор ҳам дейдилар. Агар у компьютерлар ёнига қўйилса, кишини нурланишдан сақлайди, уйқусизликдан қийналаётганларга ҳам «ёрдам» кўрсатади. Ҳиссиётга берилувчан кишилар ёки юрагида хасталиги бор одамлар бу гулга яқин келмагани маъқул. Фикуснинг каттакатта ва ялтироқ барглари ўпка шамоллаши (бронхит) ва кучли йўталда фойдалидир. Унинг икки-уч дона баргини беш дақиқача стакандаги қайноқ сувда ушланг. Сўнг юмшаган баргни илиқ ҳолида докага ўраб кўкракка ёки белнинг оғриқли жойига қўйинг. Бу муолажани ётишдан олдин бажарганингиз яхши. Улуғ ҳаким Абу Али ибн Сино таъбирича гунафша (бинафша) ичак яраларига малҳам, райҳон бавосил (геморрой)га шифо, тугмачагул ошқозон хасталигида наф беради. Атиргул баргининг қайнатмаси бепуштликка даво бўлса, нилуфар иситмани туширади.

Мойчечак (ромашка) гули қайнатмаси эса танадаги барча аъзолар шамоллаганда кор қилади. Гулхайри илдизидан тайёрланган қайнатма колит (йўғон ичак хасталиги)ни даволаса, марваридгул настойкаси юрак касаллигига шифодир.

Уйларимизни безаб, кўзларимизни қувонтиргувчи ҳамда жону танимизга малҳам, руҳимизга қувват ато этгувчи гулларни парваришлаш ҳам аслида бир санъат. Кўпчилик бекаларимиз уйдаги ҳамма гулларга бир хил вақтда, бир хил миқдорда сув қуйиб чиқадилар. Бу — нотўғри. Сояни хуш кўрувчи гуллар бир ҳафтада бир маротаба суғорилса яхши, офтобпараст гулларга эса ҳар куни сув қуйилгани маъқул. Қаҳва қуйқаси ёки янчилган ва қанд упаси қўшилган тухум пўчоғи хонаки гуллар учун зўр озуқа ҳисобланади. Атиргул ва чиннигул шовқинни «ёқтирмайди», уларни хонанинг сокин жойига қўйиш керак. Сўлий бошлаган лолаларни ёниқ лампа остида бироз ушлаб турилса, асл ҳолига келади. Шунингдек, битта гулдонга турли хил гулларни солиш яхши эмас. Вазадаги марваридгул ёнидаги бошқа гулларнинг сўлишини тезлаштиради.

Руҳшуносларнинг айтишларига кўра, қайси гулни ёқтиришига қараб кишининг феъли атворини аниқласа бўларкан Масалан, атиргул ишқибозлари хотиржам, ўзига ишонган кишилардир. Улар ҳою ҳавас ортидан югуришмайди, балки реал ҳаётда тартиб-интизомга риоя қилиб яшашни афзал кўришади. Чиннигулни ёқтиргувчилар орасида ўз мақсадини ҳаммага ошкор этавермайдиган, бошқарувчилик қобилиятига эга ва расмиятчи кишилар кўп учрайди. Бинафша ичимдагини топ дейдиганларнинг гули. Бу гулни хуш кўрадиганлар таъби нозик ва таъсирчан бўладилар. Ўзига ишонган ва ўта сирли одамлар лолани ёқтиришса, мағрур ва қайсар кишилар гладиолус ишқибозлари саналадилар. Хризантемани хуш кўрадиганларнинг аксарияти ўз қобиғига «ўралган»лардир. Руҳшуносларнинг таъкидлашича, бундай кишиларни тушуниш қийин, севиш эса азоб. Лекин шуниси ҳам борки, хризантемага қизиқувчилар енгил-елпи ҳаракатларни ёқтирмайди, балки ҳар ишга жиддий ёндошадилар. Ички дунёси гўзал инсонлар настариннинг ошиғидир, дейишади психологлар.

Эътибор берган бўлсангиз, баъзи хонадонларда гуллар яйраб ўсса, бошқа бирларида улар тез қовжираб қолади. Мутахассисларнинг фикрича, оиладаги носоғлом психологик муҳитда гуллар тезда яшнаб кетмас экан. Чунки улар уйда рўй берган барча нохушликларни ўзларига «сингдириб», дарров сарғайиб-сўлишаркан. Кўп ҳолларда уй гулларининг яшноқ бўлиши уй соҳибаларининг феълу атворига ҳам боғлиқ бўлармиш. Масалан, лимон ўсимлиги инжиқ ва тез ўзгарувчан кишилар парваришлаганида тез гуллаб, мева тугса, фикус эса аксинча, босиқ ва мулоҳазали бекаларни хуш кўраркан. Офтобпараст гул — фиалкалар ғамгин ва пессимист кишилардан кўра ҳаётга очиқ чеҳра билан боқадиганлар қўлида янада яшноқ тусга кираверараркан. Демак, гуллар орасидан «ўз» гулимизни топиб парваришласак, унга сарфлаган меҳру муҳаббатимиз ўзимизга бир неча ҳисса бўлиб қайтишига имкон яратган бўламиз.

«Якка ўзингиз қолган кезларингизда хонангиздаги гуллар билан сирлашинг, уларга ёруғ юз билан қараб, яхши сўзларни шивирлаб айтинг, шунда гуллардан сиз томонга оқиб келаётган ижобий қувватни ҳис қиласиз, кайфиятингиз кўтарилиб, руҳингиз ором топади. Зеро, гулларда ҳам худди инсонлардаги каби сирли хислатлар ва меҳр туйғусини «сезиш» ҳисси мавжуд, буни унутманг», — дейишади мутахассислар.

Гулчехра ЖАМИЛОВА.

ЗАМОНАВИЙ МАТАЛЛАР

Балиқ сув билан,
Одам пул билан.

* * *

Элдан айрилсанг ҳам,
Тилдан айрилма.

* * *

Ёрингни гул орасидан изла,
Ўлжани лақмалар орасидан.

* * *

Кўлнинг номини балиғи чиқарар,
Йигитнинг номини хотини.

* * *

Пултопар хотин омон бўлса,
Рангу рўйинг сомон бўлмас.

* * *

Хотин ризқи бозорда,
Эрнинг ўрни рўзғорда.

* * *

Хотиннинг ҳамёни қуриса,
Эрнинг шўри қурийди.

* * *

Даркор одам лақмаси —
Тайёр маккор луқмаси.

* * *

Ҳар гулнинг ўз иси бор,
Одамнинг минг туси бор.

Саодат УМРЗОҚОВА.

Ўқинг, қизиқ!

МИЛЛИАРДЕРЛАР ҲАЁТИДАН

Россиялик ароқ-шароб магнати ҳисобланган Рустам Тарико 44 ёшида 1,9 миллиард доллар эгаси ҳисобланади. Рустам Тарико Американинг рамзи ҳисобланадиган Бостан статуяси ёнидан 1000 меҳмонга дастурхон ёзиб, зиёфат берди. Меҳмонларни икра, қовурилган бедана тухумлари билан сийлади. Оркестрлар Чайковский мусиқаларини ижро этишди. Тарико рус бизнесменларидан биринчи бўлиб Melsebes melfgel ҳамда Mafach компанияларининг акциясини сотиб олди.

Бизнесмен ҳозирги пайтда Америкада яшайди.

* * *

80 ёшли Ингвар Кампраднинг ҳисобида 28 миллиард доллар бор. Шунча ҳисобсиз бойлиги бўлса ҳам бизнесмен 12 йиллик эски VOLVO автомобилида юриб, керакли нарсаларни харид қилади. Ингвар ёшлик пайтидаёқ хасислиги билан танилган экан. Унинг 90 минг хизматкори ва 200 дўкони бор.

* * *

Ёлғиз бева аёл Джоан Роулинг болаларга бағишлаб эртак ёзиб миллиард-миллиард даромад қилган. У дастлаб Гарри Потер ҳақидаги эртакларини Манчестр ва Лондон орасида кетаётиб ёзган. Роулинг асарининг ёзма нусхасини Bioomsbury босмахонасида нашр эттирган. Унинг бу асари миллион нусхада чоп этилган ва сотилган.

* * *

Саудия Арабистони фуқароси Солиҳ Абдул Азиз ал-Раджининг 7 аёли ва 60 ўғил-қизи бор. У дунё бойларидан бири ҳисобланиб, 6,5 миллиард доллари бор. У авлодига яхши мерос қолдириш мақсадида оилавий «Ал-Раджи» банкини очди. Ҳозир банкнинг 89 фоиз акцияси унинг ўғил-қизлари қўлида. Шунингдек, Дубай шаҳри марказидан 91 қаватли уй қуриб, у ерда ўзининг шахсий ишини юргизмоқчи. Бино қурилишига 270 миллион доллар сарф қилиш нияти бор.

* * *

Филлип Найт жаҳондаги энг бой одамлардан бири бўлса-да, энг ёмон кийинадиган кишилардан бўлган. У кўпинча оддий бейсболка ё бўлмаса ковбойлик бош кийимини кийиб, устига арзон тикилган костюм кийиб юрарди.

Қидирбой ТЎЛАБОЕВ тўплаган.

САФАР БЕКОР ҚИЛИНДИ

Душанба куни Белорус президентининг Вьетнамга сафари режалаштирилган эди.

Вьетнам ҳукумати Белорус президенти Александр Лукашенконинг ушбу давлатга мўлжалланган расмий сафари бекор қилинганлигини маълум қилди.

Олдинроқ Вьетнам Ташқи ишлар вазирлиги музокараларнинг асосий мавзуси икки томонлама ҳамкорлик ришталарини янада мустаҳкамлаш эканлигини таъкидлаганди. Томонлар ўзаро ҳамкорлик тўғрисидаги 10 га яқин шартнома имзолаши ҳам кўзда тутилганди.

АУГУСТО ПИНОЧЕТ ВАФОТ ЭТДИ

Якшанба куни Чилининг собиқ диктатори Аугусто Пиночет мамлакат пойтахти Сантьяго шаҳридаги ҳарбий госпиталда ҳаётдан кўз юмди.

Бир ҳафта олдин у юрак хуружини бошдан кечирган эди. Инфарктдан кейин шифокорлар унинг аҳволи яхши эмаслиги, лекин ўлим хавф солмаётганини айтган эдилар. Лекин кейинроқ у бирдан оғирлашди.

«У ўз оила аъзолари қуршовида жон берди», — деди госпитал вакили Хуан Игнасио Вергана.

Генерал Аугусто Пиночет 25 ноябрь куни 91 ёшга кирган эди. У таваллуд кунида ўзи ҳукмронлик қилган йиллари мамлакатда рўй берган барча воқеалар учун сиёсий жиҳатдан жавобгар эканлигини эътироф этди.

Чилининг амалдаги ҳукумати Пиночетнинг дафн маросимини собиқ давлат раҳбарига мос расм-русум билан ўтказмасликка қарор қилди. Уни сешанба куни ҳарбий сифатида, яъни Чили армиясининг собиқ қўмондони сифатида дафн этишга келишиб олинди.

ИГОРЬ СМИРНОВ ДНЕСТРБЎЙИ ПРЕЗИДЕНТИ

Игорь Смирнов навбатдаги муддатга Днестрбўйи Молдова Республикасининг президенти этиб сайланди.

Натижаларга кўра, сайловчиларнинг 63,34 фоизи амалдаги президент учун овоз беришганлигини билдирган. Иккинчи ўринда Днестрбўйи коммунистларининг етакчиси Надежда Бондаренко турибди. Учинчи ўриндан эса "Новой газета" бош муҳаррири Андрей Сафонов жой олган.

Эслатиб ўтамиз, Игорь Семёнов 1991 йилдан Днестрбўйи Молдова Республикасини бошқариб келади. У тўртинчи маротаба ана шундай сайловда ўз номзодини қўйиши. Овоз бериш жараёнини кузатиб борган кузатувчилар сайловнинг барча қонун-қоидаларга мос ўтганлигини таъкидлашган.

ГРУЗИН-АБХАЗ МОЖАРОСИ



Абхазия ҳукумати Грузиянинг ғарбий ҳудудларини электр токи билан таъминлашдан бош тортиши мумкин.

Гап шундаки, Абхазия ҳукумати назорат қилаётган Ингури дарёси қирғоғида Грузияга тегишли Ингури ГЭСининг бир нечта блоки жойлашган.

Абхазия ҳукумати ушбу баёнотни ўз фуқароси Придон Чакаберия қўлга олинганидан сўнг эълон қилган. Грузия томони ушбу шахсни жиноий тўданинг аъзоси ва героин билан савдо қилувчи кимса сифатида айбламоқда. Расмий Сухуми эса унга қўйилаётган айбларнинг барчаси тўқима эканлигини айтган.

Чакаберия қўлга олингандан сўнг Абхазия томони Грузия билан ўз чегарасини ёпиб қўйган. Оммавий ахборот воситаларида тарқатилаётган хабарларга кўра, назорат текширув пунктлари бир томонлама фаолият кўрсатмоқда.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Маҳмуд аз-Замахшарий ҳикматларидан

Агар тилингнинг ортиқча сўзлашига йўл берсанг, унда жиловинг тизгинини шайтонга топширган бўласан.

* * *

Ўз биродаринг сўзини сукут сақлаб тингла. Гарчи уни эшитишга рағбатинг ва майлинг бўлмаса ҳам унинг ҳурматини ўрнига қўй.

* * *

Қайсики молу мулкнинг закоти келтирилса (берилса), унинг хайру баракати кўп бўлади.

* * *

Ният қилинган ишлар пишмаган гўшт мисоли, бинобарин, ҳар қандай ишни комил нияту қаттиқ ихлос билан қилиш лозим.

* * *

Кўп, ортиқча сўз эшитувчини ранжитади.

* * *

Бирор масалада фикр-мулоҳаза қила бошлаганингда зинҳор ошиқма, ҳар томонлама ўйлаб, обдон фикрлаб иш тутгин.

* * *

Вақти соати ўтгандан сўнг ижро бўладиган ваъдада ҳеч бир хайр иш бўлмас.

Муассис: «Миллий тикланиш» демократик партияси

MILLIY TIKLANISH
Миллий тикланиш — миллат келажаги
O'zbekiston "Milliy tiklanish" demokratik partiyasining ijtimoiy, siyosiy, ilmiy-ommaviy gazetasi

Таҳрир ҳайъати

ТЕЛЕФОНЛАР:
Қабулхона — 133-67-51
Бўлимлар — 136-58-73
Реклама ва эълонлар бўлими — 136-58-73

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.
Босишга топшириш вақти 20.00
Нашр кўрсаткичи — 158

Газета 014-рақам билан рўйхатдан ўтган.
Буюртма: Г — 1423.
Ҳажми 2 босма табоқ.
Адади 2108
Сотувда эркин нархда

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди 21.10